Ушбу сонда:

2 БИР ФАРМОН ШАРОФАТИ

3 ЖОНГА — ЖОН ШИФОКОРЛАРНИ ҚУТЛАБ

4 ОДАМИЙЛИК САБОҚЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 14 июн, жума №95 (1312)


СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҚАРИЯЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Қарияларни қадрлаш йили Давлат дастурига биноан Сурхондарё вилоятида истиқомат қилаётган кексалар тиббиёт муассасаларида диспансер кўригидан ўтказилмоқда.

Ҳозирга қадар қарийб 30 минг қария кўрикдан ўтди. Уларнинг 800 нафардан кўпроғи даволаниш учун вилоят ва республикамиздаги санаторийларга жўнатилмоқда. Шу кунгача тўрт юздан ортиқ отахон ва онахон турли сиҳатгоҳларда даволаниб, дам олиб қайтди.

Дастурга биноан 2 минг нафар қарияга 7 миллион сўмликдан зиёд дори-дармон ажратилди. Шунингдек, муҳтожларга қўлтиқтаёқ, ҳасса, ногиронлар аравачаси, эшитиш ускуналари берилди. Бундай савобли ишларни амалга оширишда корхоналар, саховатли кишилар ҳам ёрдам қўлини чўзмоқда.







Қашқадарё вилояти ғаллазорларида бугун ўзгача кайфият. Олтин бошоқ ижодкорларининг қўли қўлига тегмайди. Барчанинг фикри белгиланган ғалла хирмонини тезроқ барпо этишга қаратилган. Бу ишда Усмон Юсупов, Нишон тумани ғаллакорлари пешқадамлик қилмоқдалар.

Суратларда: Усмон Юсупов туманидаги «Янгиобод» дон қабул қилиш пункти лаборанти Анвар Оқилов; Нишон туманидаги Абдулла Қодирий номли фермерлар уюшмаси раҳбари Мурод Пирназаров; ўрим-йиғим пайти.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Сурхондарёда шу кунгача ушоқ моллардан йилига икки марта жун қирқиб олинса-да, уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона йўқ эди. Фарзандлари билан бирга хусусий фирма очган тадбиркор Маннон Бердиев шундай муҳим ишга қўл урди.

Тадбиркорнинг жунни қайта ишлаб, калава тайёрлайдиган корхона қуриш борасидаги бизнес-режаси «Уйжойжамғармабанк»нинг вилоят бўлими экспертларига ҳам маъқул келди. 15 миллион сўмлик кредит эвазига хорижий технология сотиб олинди.

60 нафар ишчи ишлаётган корхонада бир кунда 300 килограмм, йил давомида 1,5-2 минг тонна жундан калава тайёрлаш имконияти бор. Айни пайтда чорвадорлар билан шартномалар тузилмоқда.

(ЎзА).

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Бекободда Қора ва рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топшириш назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора ва ташкилотлар, шунингдек, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёсини йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди.

«Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металл чиқиндиларини иқтисодиёт тармоқларига мос равишда қайта тайёрлаш ҳамда экспорт қилиш борасидаги ишлар изчил бажарилмоқда. Жойларда саноат чиқиндилари - қора ва рангли металл парчаларини тўплаш ва қисқа муддатларда металлургия комбинатига етказиб бериш тизими яхши йўлга қўйилгани самарадорлик омили бўлмоқда.

Шу билан бирга, йиғилишда айрим корхона ва ташкилотларда бу борадаги топшириқлар белгиланган режага мувофиқ бажарилмаётган ҳолатлар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Бунинг боиси, ушбу ҳудудларда темир-терсак ва металл чиқиндиларини пешма-пеш тўплаш ҳамда ўз вақтида қайта тайёрлаш учун заводга жўнатиш ишларига жиддий эътибор қаратилмаётир.

Йиғилишда қора ва рангли металл чиқиндиларини тўплаш ҳамда металлургия комбинатига етказиб бериш борасида сусткашликка йўл қўяётган ҳудудий бирлашмалардаги аҳволни тезда ўнглаш, белгиланган топшириқларни бажариш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎзА).

Эгалик ҳисси

АВТОКОРХОНАДА ЎРИК САЙЛИ

Наманган вилоятида ўзининг ажойиб ёрдамчи хўжалиги, боғлари билан мақтанадиган корхоналар кўп. Аммо, бизнинг ўрикзорнинг таровати ўзгача. Икки четига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари соя ташлаб турган файзли йўл бўйлаб борар экансиз, муҳташам дарвозага кўзингиз тушади.

Маскан ичига киришингиз билан ажойиб ўрикзорга рўбаро бўласиз. Ҳосил шундай серобки, кўриб кўзингиз қувнайди. Ўрикларнинг энг яхши хилларини шу ерда учратасиз. Вилоятимиз бўйича кўплаб тадбирлар, учрашувлар ана шу гўшада ўтказилишининг сабабини тушунгандирсиз.

Майсалар яшнаб турган спорт майдонлари эътиборингизни тортмай қўймайди. Автокорхона касаба уюшма қўмитаси жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган. Ёшлар орасида футболга ихлос қўйганлар кўп. Шу боис ҳар ойда икки марта бўлимлар ўртасида мусобақалар ўтказиб турамиз. Ғолиблар қимматбаҳо эсдалик совғалари, сиҳатгоҳга йўлланмалар билан тақдирланишади.

Ишчилар ошхонаси ҳақида яйраб гапириш мумкин. Унинг кўриниши, шарт-шароити энг яхши ресторанлардан қолишмайди. Муҳими, ўрта ҳисобда 300 сўмга қуюқ ва суюқ овқат истеъмол қилиш мумкин. Корхона ҳисобидан дастурхонга қўйилган мевалар ва кўкатларга пул олинмайди. Шунинг учун ҳам ишчиларимиз ҳамиша кўтаринки кайфиятда меҳнат қиладилар.

Н.ҚОДИРОВ,
Наманган шаҳридаги 8-автокорхона касаба уюшма қўмитаси раиси.

Давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида илгари сурилган долзарб вазифалар республикамиз аҳлини ўйлашга, чуқур мушоҳада юритишга ундади. Тахририятимизга келаётган хатлардан маълум бўлдики, раҳбару мутахассислар, фермерлар, деҳқону курувчилар, борингки, барча моддий бойлик яратувчилар талабчанликни ўзларидан бошлаб, омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлашга ҳаракат қилмоқдалар. Хайрли ишларга қўл ураётганлар сафи кенгайиб бормоқда.

Қуйида ана шундай фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилинади.

АВВАЛО ЎЗИМИЗГА ТАЛАБЧАН БЎЛАЙЛИК

Кўпга бош бўлиш осон эмас. Одамлар ишонч билдирган кишилар ҳамиша назарда бўлишади. Етакчининг юриш-туриши, кийиниши, муомала муносабати ҳар куни синовдан ўтади. Бир нарсадан хурсандман. Хўжалигимизда барча соҳа бирдек ривожлана бошлади. Ютуқлар замирида уюшқоқлик, фидойи меҳнат ва касб-корга садоқат ётади. Яхши баламанки, эрта тонгдан то кун ботгунга қадар маржон-маржон тер тўкиб ишлаётган кишиларга шарт-шароит яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, меҳнатини юзага чиқаришга эришилсагина юксалиш бўлади. Шунингдек, раҳбар ташаббускор, ташкилотчи бўлиши зарур.

Касаба уюшма қўмитамиз том маънода меҳнаткашлар суянчиғи, улар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячисидир. Нуфузли жамоат ташкилоти саъй-ҳаракати билан шароитлар яхшиланди, маданий-маиший хизмат яхши йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда соғломлаштириш масаласига эътиборни кучайтирганмиз. Инсон яхши ишлаганидан кейин, яхши ҳақ олиши керак.

Ўтган йили 8 миллион 760 минг сўм фойда ширкат аъзоларига тақсимлаб берилди. Бу демак, ишловчи ҳар бир сўми учун ўртача бир ярим сўм миқдорида дивидент олишга эришди. Бу йил моддий манфаатдорлик янада ошади. Пилла ҳар йилгидан мўл бўлди. Дон тайёрлаш шартнома режасини ҳам албатта ўринлатамиз.

М.ФАРМОНОВ,
Ғиждувон туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.

ҚАЛБИМИЗ ҲАМИША ЖЎШИБ ТУРСИН

Одамларимизнинг баҳоси йўқ. Меҳнатсевар, танти, ҳамиша эзгуликка интилувчи, саховатпеша кишилар билан яшаётганимдан хурсандман. Деҳқон-чорвадор фарзанди бўлганим учун пенсияга чиққач, уйда узоқ ўтиролмадим. Ўғил-қизларим, яқинларимни кенгашга чақириб, фермерлар сафига қўшилишга ахд қилдик.

Қирқ гектар ерни обод қилиш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиш учун вақт билан ҳисоблашмай ишладик. Шахсий хўжалик баҳонасида 25 киши муқим ишли бўлди. Бизнинг қишлоғимизда зотдор молларни кўпайтирадиган кишилар кўп. Шундан фойдаланиб, новвослар харид қилдик. Сўнг, кичик цехларни қуриб ишга туширдик.

Вақт ўтиши билан хўжалигимиз ривожланди. Йилига халқимизга ўрта ҳисобда 450 тонна арзон нархда гўшт етиштириб бераяпмиз. Шунингдек, дончилик соҳасида ҳам ютуқларга эришаяпмиз. Фермер бойиса кўпга нафи тегади. Шахсий даромадимиздан ўз қишлоғимизни обод этиш, ён-атрофни кўкаламзорлаштириш, йўллар, кўприклар қуриш, саломатлик масканларини бунёд этиш ишига баҳолиқудрат ҳисса қўшаяпмиз. Агар инсон ўз қишлоғини, касбини чин дилдан севса, эл-юрт олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этса ёниб-жўшиб ишлайди, маъмурчилик ишига муносиб ҳисса қўшади.

А.КАРИМОВ,
Ромитан туманидаги «Гулистон» фермер хўжалиги аъзоси.

«Ишонч»га келган мактублардан

ҚОНУНГА РИОЯ ҚИЛМАГАНЛАР ЖАЗОЛАНДИ

Сирдарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари табиат муҳофазаси тўғрисидаги қонунларга риоя қилмаганлиги учун 135 нафар мансабдор шахсдан 720 минг сўм жарима ундириб олишди.

-Қўмитамиз ходимлари жорий йилда ер ости сизот сувларининг сатҳини пасайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланишнинг олдини олишни назорат қилиш борасида ҳам иш олиб боришмоқда, - деди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари Абдужалил Абдувоҳидов «Туркистон-пресс» мухбирига. – Яқинда ичимлик сувидан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланганлиги учун вилоятдаги йирик корхоналардан бири – «Оқолтиндон» комбинатидан назоратчиларимиз 1 миллион 900 минг сўм товон пули ундиришди. Шунингдек, вилоят прокуратураси ходимлари билан ҳамкорликда Гулистон шаҳрида ичимлик сувидан фойдаланишнинг аҳволи ҳам текширилди. Текширишлар натижасида олтита автомобилларни ювиш шаҳобчаларида ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланилганлик ҳолати аниқланди. Уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиб, мазкур корхоналар ёпиб қўйилди.

Шунингдек, мутахассисларимиз аҳоли орасида, умумтаълим мактабларида ва корхона-ташкилотларда бўлишиб, табиатни асраш, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш борасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Бу эса ўз самарасини беряпти. Яқинда Мирзаобод туманида республика мактаб ўқувчилари ўртасида "Экология: кеча, бугун ва эртага" мавзуида олимпиада ўтказилди. Унда тумандаги 1-мактаб-интернат ўқувчилари ғолиб чиқди.

Таътил мазмунли ўтади

Мамлакатимиз умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг ёзги таътилини мазмунли ташкил этиш мақсадида болалар ижодий марказларида талай ишлар амалга оширилмоқда. Республика болалар бадиий ижодиёти марказида очилган қўшимча тўгараклар шулар жумласидандир.

Ўқувчилар бу ерда тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, миллий ҳунармандликнинг турли йўналишлари бўйича таълим олиб, ўз маҳоратларини оширишлари мумкин. ЎзА мухбирига маълум қилишларича, жойларда ёз давомида ёш ижодкорлар асарларининг кўчма кўргазмалари ҳам бўлиб ўтади.

Муаммо кўндаланг қўйилади

НАСИЯГА КИМ ҲАМ ИШЛАРДИ?

Навоий вилояти ҳур Ўзбекистонимизнинг ўзига хос ва бетакрор хазинаси. Бу ердаги ажойиб конлар ўзининг ноёб хусусияти, заҳиралари нуқтаи назаридан, дейиш мумкинки, жаҳонда камдан-кам топилади. Умуман вилоят ўзининг иқтисодий салоҳиятига кўра маъмурий-ҳудудий бирлик бўлиши учун барча асосу имкониятлар борки, улар ҳақида вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида алоҳида гап борди. Анжуманда асосий эътибор ечимини кутаётган муаммолар, камчиликлар, олдимизда турган долзарб вазифаларга қаратилди.

Давр масъулиятли вазифаларни кўндаланг қўймоқда. Бозор шароити эртанги кунни кўра билиш, иқтисодиётни юксалтириш омилларидан унумли фойдаланиш, тадбиркор, ташаббускор бўлишни тақозо этмоқда. Бироқ бахтга қарши вилоят корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, маркетинг хизматини тўғри йўлга қўйиш асосида маҳсулот турини кўпайтириш, талаб катта бўлмаган маҳсулотлар ҳажмини қисқартириш масаласида кутилган натижага эришилмади. Боз устига, ишни қулай, замонавий ташкил этиш, ишчиларни рағбатлантириш каби омиллар ҳам назардан четда қолди. Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмаларининг роли ва ўрни ҳам унчалик сезилмаётир. Натижада иш ривожланиш ўрнига баъзи ерларда орқага кетмоқда. Ҳозирги кунда вилоятдаги корхоналар омборларида катта миқдордаги маҳсулот сотилмай ётгани ҳар бир кишини ўйлантиради, албатта.

Маҳсулот сотилмаса бой бўлиш қийин. Кузатишлар шуни кўрсатдики, қатор корхоналарнинг раҳбару мутахассисларида билим, қатъиятлик, ташкилотчилик қобилияти сезилмаётир. Кимлардир ҳанузгача боқимандалик кайфиятидан халос бўла олмай, узрли баҳоналарни рўкач қилишдан нарига ўтмаяпти. Бундай кишилар раҳбарлик қилаётган жамоаларда ойлик маошидан қарздорлик юзага келди. Масалан, «Электрокимё» заводи ўз ишловчиларидан шу йилнинг март ойи учун 35 миллион сўмдан ортиқ қарз бўлиб қолди.

Навоий ГРЭСининг ижтимоий тўловлардан қарздорлиги 13 миллион сўмга етди. Бу корхонада ишчи-хизматчиларни санаторий-профилактарийларда дам олдириш, маданий-маиший касаба уюшмалари ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилиб, бонг уриши, корхоналарнинг раҳбару мутахассислари олдига қатъий талаблар қўйиши керак. Муросасозлик, иш берувчига ёмон кўринишдан чўчиш умумишга катта зиён етказади.

Ечимини кутаётган яна бир масала хусусида тўхталсак. Тошработ Қизилтепа туманидаги аҳолиси кўп қўрғонлардан биридир. Бу ерда 30 минг нафарга яқин киши истиқомат қилади. Давлатимиз раҳбари вилоят кенгаши сессиясида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳақида гапирганда, кўпчилик беихтиёр Тошработ қўрғонини ҳам эслади. Боиси, бу ерда ишсизлар кўп. Аслида кичик корхоналар ташкил этиш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш учун имкониятлар етарли. Гап худди шу имкониятдан омилкорлик билан фойдаланилмаётганлигидадир.

Ҳаётий бир мисол. Андоқ қишлоғидаги ғишт заводи 200 нафардан ортиқ кишини иш билан таъминлаш имкониятига эга. Лекин ҳозирда бу ерда 20 киши доимий, 20 ишчи эса мавсумий жалб этилган. Иш унуми ниҳоятда паст. Ўтган йили бор-йўғи 70 минг дона пишиқ, 170 минг дона хом ғишт ишлаб чиқарилган. Даромад ҳам шунга яраша. Корхона раҳбарлари омилкорлик кўрсатиб, ёрдамчи цехларни ишга туширишганда аҳвол тамомила бошқа бўлур эди.

Муаммоларни ҳеч ким четдан келиб ҳал қилиб бермайди. Бас шундай экан, масъулиятни зиммага олиб шахсий ибрат кўрсатиш, ишчи-хизматчиларни мақсад сари бирдек сафарбар эта билиш лозим. Зеро, омилкорлик, ташаббускорлик, доимий изланиш шу куннинг шиоридир.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Бир Фармон шарофати

ИНСОН БОРКИ яхши яшасам дейди

Президентимизнинг «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида коммунал хизмат кўрсатиш тизимидаги иқтисодий ислоҳотларни, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ишини янада жонлантириш катъий белгилаб қўйилган.

Самарқанд бой тарихи, улкан маънавий мероси, кўҳна асори-атиқалари билан шуҳрат қозонган. Мустақиллик йилларида вилоятда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси ўзгариб, янги корхоналар, турар-жой бинолари, маданий-маиший иншоотлар қад ростлади.

Айни пайтда шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларда кенг кўламдаги ободонлаштириш юмушлари олиб борилаяпти. Савдо, умумий овқатланиш, аҳолига коммунал маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари, жамоат транспорти, бозорлар, ичимлик суви манбааларида санитария ҳолатига амал қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатилди. Шаҳарни ободонлаштириш бўйича округлар тузилиб, ҳар бир кўча ва хонадонлар тозалигига алоҳида эътибор қаратилмоқда, режасиз қурилган дўкончалар, умумий овқатланиш шохобчалари ўрнида замонавий бинолар барпо этилмоқда.

Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасидан маълум қилишларича, ўтган даврда 426,4 километр газ қувурлари ётқизилиб, фойдаланишга топширилди. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш 86 фоизга, ичимлик сув таъминоти 79 фоизга етказилди. Президентимиз Фармонига асосан 994 та кўп қаватли уйларда 65 та уй-жой мулкдорлари ширкати тузилди. Йиғилган маблағлар уй-жой фондини сақлаш ва ундан тегишлича фойдаланиш, таъмирлаш, тиклаш, тевараккатрофни ободонлаштиришга йўналтирилган. Бундан 10 йил илгари қурилган кўп қаватли биноларни таъмирлашга киришилди. Белгиланган дастурга мувофиқ 2006 йилгача 915 та уй қайта таъмирланади.

Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мавжуд қозонхоналарнинг самарали ишлашига эришиш учун мониторинг ўрнатилди. Фарҳод ва Ингичка қўрғонларидаги қозонхоналарни кичик, тежамлилари билан алмаштириш бўйича инвестиция лойиҳалари тайёрланди. Аҳолига тоза, сифатли ичимлик суви етказиб бериш дастури ишлаб чиқилган. Шунга кўра, «Сувоқава» бошқармаси билан Францияниг «Сафеш» ва «Деграмон» фирмалари ўртасида ичимлик суви сарфини 15 фоизга қисқартириш, 10 фоиз электр энергиясини тежаб қолиш бўйича ўн йил муддатга шартнома имзоланди. Белгиланган тадбирларга асосан, 2005 йилга қадар табиий газ ва ичимлик сув ўлчагич асбобларини ўрнатишни ниҳоясига етказиш ва истеъмолчиларни доимий равишда иссиқ сув билан таъминлаш йўлга қўйилади.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг 2001 йил 11 сентябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида айрим туман ва шаҳарларни ободонлаштириш эътибордан четда қолаётганлиги танқид қилинган эди. Ҳақиқатан ҳам, Нуробод, Қўшработ, Пастдарғом туманларида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш талаб даражасида эмас. Табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси, коммунал тўловлардан қарздорлик ошиб бормоқда.

Шаҳарда муҳандислик коммуникацияларининг тўлиқ ишлашини таъминлаш, қурилиш, ободончилик юмушларини жадаллаштириш давр талабидир. Жорий йилда Каттақўрғон шаҳридаги Қозоқовул, Тайлоқ тумани Тайлоқ қўрғони, Самарқанд шаҳри «Хусрав» аҳоли пунктини табиий газ, Қўшработ қўрғони, Иштихон тумани марказидаги турар-жойлар, Нуробод тумани «Тинчлик» ва «Маданият» маҳаллаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш лозим.

ЁЛҚИН.





«ҲУНАРМАНД» ЧЕВАРЛАРИ

Хатирчи туманидаги «Ҳунарманд» кичик корхонаси довруғи қисқа вақт мобайнида узоқ-узоқларга ёйилди. Болалар ва катталар учун корхонада тайёрланаётган ички трикотаж буюмлари ўзининг харидоргирлиги билан мижозлар эътиборини қозонмоқда. Айниқса, Навоий вилоят миллий банкидан 10 миллион сўм кредит олингач, «Ҳунарманд»нинг шуҳрати ошди. Замонавий тўқув ва йигирув ускуналари ўрнатилиб, шу ернинг ўзида ҳам ип йигириб, ҳам тайёр маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлди.

Суратларда: уста Латофат Асқарова ва тикувчи Нигора Каримова; тикув цехида.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистонда халқ таълимини ривожлантиришда ЮНЕСКО ташкилотининг ҳам амалий ёрдами катта бўлмоқда. Бу халқаро ташкилот қўмагида ўқув жараёнларини компьютерлаштириш тадбирлари кўрилаётганлиги қувонарлидир.

ЮНЕСКО ҲОМИЙЛИГИДА

Республика «Устоз» жамғармаси ҳузурида компьютер ўқув маркази очилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистондаги 30 дан ортиқ мактаб, гимназия, касб-ҳунар коллежи ЮНЕСКОнинг билим ўчоқлари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари ташкилот таълим, фан, маданият ва коммуникация соҳалари бўйича ишлаб чиқилган лойиҳани рўёбга чиқариш йўлида тадбиркорлик билан иш юритмоқда.

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Бухоро вилояти ҳокимлиги ишлаб чиққан дастурга мувофиқ аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Жондор тумани ҳокимлиги, касаба уюшмалари, Меҳнат бўлими ҳамкорлигида шу кунгача 494 та янги иш ўринлари яратилиб, ёшлар иш билан таъминланди. «Меҳнат бозори» ярмаркасининг тўғридан-тўғри ширкат хўжаликлари марказида ўтказилаётганлиги ҳам умумий ишга катта наф келтирмоқда.

Бу тадбир байрамона тус олаётир. Айниқса, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги марказида ўтказилган меҳнат ярмаркаси аввалгилардан тубдан фарқ қилди. Унда тумандаги барча ташкилот, корхона, жамоа хўжаликлари раҳбарлари фаол иштирок этишди. Ярмаркада 162 та бўш иш ўринлари яратилганлиги маълум қилинди. 234 нафар ишсиз фуқаро ушбу тадбирда қатнашди. Иш сўраб мурожаат қилганлар 185 кишини ташкил этди. Уларнинг 94 нафари тумандаги турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. 72 нафари эса касбий таълимга юборилди. Шундан «Заринад-Зарнигор» кичик корхонасига тикувчи касби бўйича 12 нафар фуқаролар жалб қилинган бўлса, 20 нафарга яқин ёшлар «Бухоро» ширкат хўжалигидаги «Қамарой» кичик корхонасига борадиган бўлишди.

Шунингдек, «Тадбиркор аёл» уюшмаси туман бўлими, «Нодирбек» масъулияти чекланмаган жамияти, «Миршод» ҳамда «Хумо-2000» корхоналари ҳам янги ишчи ўринларини яратадиган бўлди.

Тадбир дастуридан жой олган бир қатор қизиқарли чиқишлар тўпланганларда яхши таассурот қолдирди. Айниқса, «Балли, қизлар!» кўрик-танлови, «Заковат» билимдонлар ўйини, навоийхонлик кечаси, кураш, футбол, шахмат-шашка бўйича мусобақалар ғоятда қизиқарли кечди.

Танловда I ўрин Матлуба Воисовага насиб этди. Кейинги ўринларни Гули Ғафурова ҳамда Гулмира Исмоиловалар эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

«КОИНОТ» МАВСУМНИ БОШЛАБ БЕРДИ

Тошкент вилоятининг хушҳаво тоғлари бағридаги 17 та оромгоҳ болажонларни қабул қилишга тайёр. Куни кеча Ангрендаги 9-кўмир кони тасарруфидаги «Коинот» оромгоҳи вилоятда биринчи бўлиб дастлабки дам олувчиларни ўз бағрига олди.

Ёз бўйи кончиларнинг 600 нафар ўғил-қизи мириқиб ҳордиқ чиқарадиган бу оромгоҳда барча шароит муҳайё. Шунингдек, «Махсусавтойўлтаъмир» корхонасига қарашли «Йўлчи» болалар ёзги соғломлаштириш маскани ҳам мавсумда 300 нафарга яқин ўқувчини қабул қилади.

Ёзги соғломлаштириш

Ўқувчилар ёзги дам олиш мавсумини мароқли ўтказишлари учун Ангрендаги 30 та мактаб қошида ҳам «Соғломлаштириш майдончаси» ташкил этилмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларига, маданий тадбирларга бой бундай масканларда беш мингдан зиёд ўқувчи дам олади.

- Болажонларнинг дам олиш мавсумини кўнгилли ташкил этиш учун маҳаллалар ҳам ўз ҳиссасини қўшиш ниятида,- дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий харакати Ангрен шаҳар кенгаши раиси Ўткир Абдуқодиров. - Хусусан, ўқувчиларнинг ёзги дам олиш мавсумига мўлжалланган «Маҳалламиз ёшлари» кўрик-танловининг дастлабки босқичини ўтказяпмиз. Шунингдек, маҳаллалараро оммавий спорт ўйинлари ташкил этяпмиз. Бунда «Маънавият ва маърифат» маркази шаҳар бўлими, шаҳар халқ таълими бўлими, «Футбол», «Каратэ» клублари, «Маҳалла» жамғармаси, спорт қўмитаси билан ҳамкорлик яхши натижа бермоқда.

Н.ДУШАЕВ.

Тошкент вилояти далаларида ҳам оммавий равишда ғалла ўримига киришилди. Вилоят ғаллакорлари бу йил 127 минг гектар майдонда ғалла парваришлаб давлат қабул пунктларига 257 минг тонна сара дон етказиб беришга аҳд қилишган.

ОЛТИН БОШОҚЛАР

Вилоят далаларида ишлаётган «Кейс» лар сони яна 28 тага кўпайди ва жами 183 тага етди. Шунингдек, 291 та Россия комбайни ҳам ғаллакорлар юмушини осонлаштиришда яқиндан ёрдам бермоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, жорий йилда вилоят далаларининг суғориладиган майдонларидан ўртача 50 центнер атрофида, лалми ерлардан эса 10-12 центнердан ҳосил олиш имконияти бор.

(ЎзА).

НИМА УЧУН СОЛИҚ ТЎЛАЙМИЗ?

Долзарб мавзу

Республикамиз ҳукумати солиқлар миқдорини камайтириш сиёсатини изчиллик билан олиб бормоқда. Ўзимиз гувоҳ бўлаётганимиздек, солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ошиб боряпти. Бироқ, очиғини айтганда, солиқлар қанчалик паст даражада бўлмасин, ҳеч кимга, ҳеч қачон ёққан эмас. Энг асосийси, у барқарор, мосланувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги керак. Ҳозирги кунда солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама рағбатлантирмоқда.

Биз омма ўртасида кўпроқ бўлиб, юқоридагиларни ётиғи билан, ҳаётий мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қиляпмиз. Саъй-ҳаракатлар ўзининг дастлабки самараларини бермоқда. Даромадни яшириб кўрсатиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари камайди. Оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилинаётганлиги, Ўзбекистон телевидениесидаги давра суҳбатлари, савол-жавобларнинг нафи катта бўляпти. Ходимлар, участка инспекторлари маҳаллаларда, муассасаларда «Солиқ нима?», «Нима учун солиқ тўлаймиз?» каби саволларга лўнда жавоб беришмоқда. Солиқлар иқтисодиётимиз таянчи эканлиги, давлатимизнинг хазинаси тўлдирилса, ўзимизга пенсия, стипендия бўлиб қайтишини, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизими янада ривожланишини, ижтимоий ҳимоя кучайишини ҳаётий мисоллар орқали тушунтирилмоқда.

Идорамизда «Маслаҳат таянч» маркази очилган. Халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда юқори синф ўқувчиларига солиқ мавзуида дарслар ўтилди. Натижада республика ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган сиртқи олимпиадада 5-мактабдан Марҳабо Усмонова, 42-мактабдан Эъзоза Муллажонова муваффақиятли иштирок этиб, кейинги босқичга йўлланма олишди.

Қишлоқ фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган участка инспекторлари ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Улар томонидан амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари ҳам мақсадга эришишда муҳим рол ўйнамоқда. Яқинда тадбиркорлар ўртасида суҳбат уюштирилди. Улар Солиқ Кодексига асосан 330 та фермер хўжалиги икки йилгача ягона ер солиғини тўлашдан озод этилганлигини мамнуният ила изҳор этишди. Бундай имтиёз тадбиркорларга қаддиларини тиклаб олишга ёрдам беради.

Муҳим ишда камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Айрим фуқаролар ноқонуний йўллар билан сармоядор бўлишга уринишяпти. Яратилган имкониятлардан тўғри ва унумли фойдаланиш ўрнига қонунга зид иш қилишмоқда. Туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари билан ҳамкорликдаги текширишларнинг бирида фуқаро Раҳматулла Аҳатов Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган акциз маркасиз спиртли ичимликни сотаётганда қўлга тушди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Гастрол-концерт фаолиятини режалаштириш ва лицензиялаш тўғрисида»ги Қарори ижроси ҳам назоратга олинган. Қаранг, тадбиркор З.Муҳиддинов ҳеч қандай ҳужжатсиз 1143 дона аудио-видео кассетани сотаётган экан. Энди у ҳам аттанг, деб ўтирибди.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш энг аввало ўзини алдашдир. Солиқларни вақтида тўласак, фуқаролик бурчимизни адо этган, тараққиётга ҳисса қўшган бўламиз.

Ғ.АБДУВОҲИДОВ, Пскент тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАН

Самарқандда нодавлат ташкилотларининг ҳуқуқий-демократик ва фуқаролик жамияти қарор топишидаги ўрни ва вазифасига бағишланган минтақавий анжуман бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида фаолият юритаётган нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда фуқароларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етишда, ўзаро, оилавий ва ижтимоий муносабатлардаги турли муаммоларни ҳуқуқий-демократик давлат меъёрлари асосида қонуний ҳал этиш юзасидан зарурий маслаҳатлар берувчи кўплаб нодавлат ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Самарқандаги «Сабр» ишонч маркази ана шундай ташкилотлардан бири сифатида фуқароларнинг руҳий-маънавий кўмакчисига айланиб бормоқда.

Иштирокчилар анжуман давомида марказ томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

(ЎзА).

«NOKIA» КОМПАНИЯСИГА КЎЗ ТЕГДИ

Эътироз

2002 йилнинг иккинчи ярми уяли алоқа жиҳозлари ишлаб чиқарувчи «NOKIA» компанияси учун омадсиз бошланадиганга ўхшайди. Куни кеча компания раҳбарияти ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдосини ўн икки фоиз қисқартиришини маълум қилди.

Финляндиянинг «NOKIA» компанияси жаҳондаги энг йирик уяли телефон ишлаб чиқарувчи корхона ҳисобланади. Бироқ дунё бозорида муваффақият билан сотилиб келган NOKIA телефонлари жорий йилнинг иккинчи ярмидан рақобатга бардош бера олмаяпти.

Бу йил компания ўз фаолият доирасини кенгайтиришни режалаштирган эди. Афсуски, режаларнинг бари чиппакка чиқмоқда.

Ҳаммасига сотиб юборилган яроқсиз телефон аппаратлари айбдор. Гап шундаки, экрани носоз бўлган телефонлар текширилмай туриб сотувга чиқарилган эди. Маҳсулотдаги нуқсонни сезиб қолган харидорлар эса табиийки, жанжал кўтарди. Гарчи, компания уларни тузатишга ваъда берган бўлса-да, масаланинг бошқа томони ҳақиқий муаммога айланяпти.

Носоз телефон эгалари компанияни кутилмаган даражада обрўсизлантириб юборди. Бу, энг аввало, акциялар нархининг кескин тушиб кетишида намоён бўлди. «NOKIA»га сармоя ўтказмоқчи бўлган муассасалар ҳам энди таваккалчиликдан чўчиб, воқеалар ривожини кутишдан нари ўтмаяпти. Хуллас, компаниянинг бозордаги обрўсига жиддий путур етди.

«NOKIA» фирмаси раҳбарияти бу йил хизмат доирасини Европа ва Хитой томон кенгайтирмоқчи эди. Бироқ тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, маҳаллий ишбилармонлар «NOKIA»дан эмас, балки маҳаллий корхоналар ишлаб чиқараётган аппаратлардан фойдаланишни афзал кўрар экан.

Ҳозирча савдо кўрсаткичи ўзгармаган саноқли ҳудудларнинг бири АҚШ бўлиб турибди. Бунга сабаб шуки АҚШда «NOKIA» телефонларига хос GSM тармоғи анча ривожланган. Бундан ташқари, Осиё-Тинч океани минтақасида уяли телефонларга талаб кучайгани компания даромадларининг кескин тушиб кетишига йўл қўймаяпти. Жорий йилнинг дастлабки чорагида NOKIAнинг соф даромади 769 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шундай бўлса-да, компания кейинги йилнинг режасини ишлаб чиқишга чўчиб турибди.

Энди иқтисодий инқироз ёқасида турган компания ишлаб чиқаришни қисқартирмоқчи. Корпорациянинг хориждаги заводлари вақтинча ишламай туради. Асосий ишлаб чиқариш эса ишчи кучи арзон бўлган Бразилия, Мексика ва Жанубий Кореядаги фабрикаларга юкланади.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА, ЎзА шарҳловчиси.

ТЕХНИКА НАЗОРАТИ нимани кўрсатди?

Пойтахтнинг Ҳамза туманидаги 397 корхона ва ташкилотга қарашли транспорт воситалари Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси (ИИББ) йўл ҳаракат хавфсизлиги бошқармаси (ЙҲХБ) томонидан техникавий назоратдан ўтказилди.

- Транспорт воситаларини техникавий кўрикдан ўтказиш март ойида бошланганди, - деди Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХ бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Одилжон Хўжаев "Туркистон-пресс" мухбирига.- Айни вақтда барча корхона ва ташкилотлардаги техникаларни кўрикдан ўтказиш ниҳоясига етаяпти. Бунда техникаларнинг ишга яроқлилигига алоҳида эътибор берилаяпти.

- Туманимиздаги мавжуд корхона-ташкилотларда 5125 та транспорт воситалари бор, - деди ЙҲХБ техника назорат бўлими инспектори, милиция капитани Одилжон Исмоилов. - Бугунгача техникаларнинг асосий қисми кўрикдан ўтказиб бўлинди. Техника назорати жараёнида "Шохруҳ", "Файз-Баракат", "Сарбон", "Тошкентвино" акциядорлик жамиятларида ушбу тадбирга жиддий тайёргарлик кўрилгани маълум бўлди. Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар, деб шуни айтадилар.

"Туркистон-пресс".

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ





Мамлакатимиз тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.



Озод ва обод Ватанимиз — Ўзбекистонда ислоҳотларни изчил амалга ошириш, инсонлар саломатлигини муҳофаза этиш, соғлом авлодни камолга етказишдек улуғвор ва ўта масъулиятли ишингизда омад, муваффақият ҳамиша ёр бўлсин!

Фахр

Иқтидорли ўқувчиларнинг республика конференцияси ҳамда академик лицейлар талабалари олимпиадасида республикамизнинг барча вилоятлари қатори Наманган вилоятидан ҳам бир гуруҳ ёшлар иштирок этишди ва катта муваффақиятларга эришдилар. Наманган Давлат университети қошидаги академик лицейнинг талабаси Муҳаммад Жамиев олимпиада ғолиби бўлди.

УЛАР СИНГАПУРГА БОРИШАДИ

Аввало ушбу йўналишдаги беллашувларга номзод танлашнинг ўзи осон кечмаганлигини алоҳида таъкидлашни истардик. Уч минг нафар ўқувчидан 150 нафарига беллашувларга лойиқ, деб топилди. Талабчанлик қилинганлиги ўз самарасини берди. Ёшлар аниқ фанлар бўйича чуқур билим ва тушунчага эга эканликларини намойиш этиб, кўпчилик эътиборини қозондилар. Наманган Давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчилари Муҳиддин Сайдалиев, Салоҳиддин Ҳусанов, Шокир Зиёвиддинов, Ҳуршида Ҳасанова, Ҳуршида Худойқулова ва Ўзбекистон Фанлар Академияси стипендиятлари Абдулазиз Эргашев, Аброр Маликов ва Иброҳим Олимовлар ҳам М.Жамиев сингари ижобий натижаларни қўлга киритдилар. Шунингдек, Намангандан борган Отабек Саматов фахрли иккинчи, Ҳуршида Ҳасанова ва Ҳуршида Худойқуловалар эса нуфузли ўринларни забт этиб, Наманган вилояти ёшларининг умумкоманда ҳисобида аниқ фанлар бўйича конференция ва олимпиада беллашувлари ғолиблигини эгаллаб қайтишига муносиб ҳисса қўшдилар. Аниқ фанларни ўрганиш бўйича қўлга киритган ютуқлари учун Муҳаммад Жамиев компьютер, қолганлар эса қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шу билан бирга улар Ўзбекистон Фанлар Академияси ва Олий таълим вазирлигининг махсус стипендияларини оладиган бўлишди.

Энди Муҳамад Жамиев ҳақида икки оғиз сўз: Муҳаммад оддий оилада вояга етган. У бошланғич синфларданоқ барча фанларни пухта ўзлаштириб, «аъло» ўқиш билан бир вақтда, айниқса, аниқ фанларга қаттиқ меҳр қўйди. Ўқитувчиларнинг таърифлашларича, унча-мунча бола компьютер ёрдамида ҳисоб-китобини чиқаргунча Муҳаммад кўзларини бир дақиқа юмиб, оғзаки айтиб беради-қўяди. Шунинг учун тенгдошлари «Муҳаммаднинг калласида суперкомпьютер бор» дея ҳазиллашишади.

Мақоламиз сўнггида наманганлик ёшлар эришган муваффақиятлар самарасини ҳам келтириб ўтишни истаймиз. Муҳаммад Жамиев, Муҳиддин Саидалиев, Салоҳиддин Ҳусанов, Шокир Зиёвиддиновлар шу йил Сингапурда ўтказиладиган физика бўйича халқаро ёшлар олимпиадасида қатнашувчи Ўзбекистон терма командаси рўйхатига киритилдилар. Шунингдек, академик лицей ўқувчиси Отабек Саматов ҳам Шотландияда математика бўйича ўтказиладиган олимпиадада Ўзбекистондан қатнашадиган гуруҳ таркибида иштирок этадиган бўлди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

НОЁБ ИСТЕЪДОД

Қадимдан маданият бешиги бўлган юртда яшаётганлигимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бу қутлуғ заминдан жаҳон илм-фан, адабиёти ва санъатига улкан ҳисса қўшган не-не улуғ зотлар етишиб чиқмади, дейсиз. Мустақиллик ана шундай даҳоларнинг муносиб ворисларини камолга етишлари учун барча шароитларни яратиб бермоқда. Жамшид Хўжаев ҳам ноёб фазилатларни ўзида мужассамлаштирган истеъдодлардан бири. У ёшлигидан адабиёт ва санъатга қизиқди. Айниқса, расм чизиш, мустақил равишда ижод қилишни канда қилмади.

Болалик онлари ортда қолди. Айни пайтда у олий маълумотли, етук камолот ёшида. Табиатнинг бетакрор гўзаллиги йигит қалбини ўзига ром қилиб олганлигини унинг ижодидан ҳам англаса бўлади.

Яқинда ёш ижодкор ажойиб бир кашфиётга қўл урди. У «Хамелоен» номли асарни яратди. Ўз фирмасининг герби қуёш, турна, «х» ҳарфи ва «я» ҳарфидан Ўзбекистон байроғининг рангларидан иборат бу ижод маҳсули асосан ёшларнинг спорт формасига мўлжалланган.

Жамшиднинг айнан шу ижод намунасини танлагани бежиз эмас. Чунки ҳозирги пайтгача спорт кийимларининг аксарияти чет элларда ишлаб чиқарилган ва миллийлик уфурмайди. Шу боис уни чуқур англаган ижодкор тенгдошлари орасида биринчилардан бўлиб, ана шу ишнинг уддасидан чиқди.

Мазкур асар тегишли ташкилотда рўйхатга олиниб, махсус гувоҳнома берилди. Унда Жамшид Хўжаевнинг ана шу асари Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Давлат Вакиллигининг асарлар реестрига киритилганлиги қайд этилган.

Н.УСМОНОВ.

ИККИ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Андижон вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 7-мактаб-интернатнинг ўқувчи ва педагоглари "Бойсун баҳори" халқаро фестивалининг дутор турида ғолиб чиққан 10-синф ўқувчиси Муҳаммаджон Раҳимовни чин юракдан қутлашди.

Шуниси қувончлики, Муҳаммаджон "Бойсун баҳори" билан бир пайтда ўтказилган Турғун Алиматов номидаги халқ куйлари ижрочилари танловида ҳам ғолиб чиқди.

- Мен ёшларга ўз истеъдодларини намойиш этишга имкон яратилган даврда яшаётганимдан, куйларим юртдошларимга манзур бўлаётганидан хурсандман, - деди М. Раҳимов. - Бу ўринда энг аввало ўқитувчиларим, қўлимга соз тутқазган устозим Адҳамжон Исмоиловдан қарздорман.

"Туркистон-пресс"

МАРКАЗГА ГРАНТ АЖРАТИЛДИ

Очиқ жамият — Ўзбекистон институти кўмак Сорос жамғармасининг қўллаб-қувватлаши билан кўпгина болалар муассасалари ўқув-моддий негизлари мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон болалар жамғармаси ҳам бундай ҳимматдан баҳраманд бўлмоқда.

Жамғарманинг меҳрибонлик уйлари билан шуғулланувчи марказига эса компьютерлар тортиқ қилинди. Жамият томонидан махсус ажратилган грант ҳисобига яна қатор техник жиҳозлар олинди.

Буюк Британиядаги «Болаларни асранг» жамғармаси кўмаги билан марказ мебеллар мажмуасига эга бўлди. Ўқув хоналари эса янги стол-стуллар билан таъминланди.

Кўрсатилаётган бу каби ёрдамлар туфайли марказда таълимий жараёнларни кенг йўлга қўйиш имкони туғилди.

А.АЛИЕВ.



Одамийлик сабоқлари

Ҳар сафар шу қўшиқни эшитганида Шомуроднинг кўзи ёшга тўлади.

Ким кўрибдир, эй кўнгил,
аҳли жаҳондин яхшилиқ,
Кимки ондин яхши йўқ,
кўз тутма ондин яхшилиқ.

Топиб айтилган сўзлар! Нақ юракни ўртайди-я. Очиғи, у илгари ҳам бу қўшиқни кўп бора мириқиб тинглаган, лекин сўзлар таъсиридан кўз косаси лиммо-лим тўлиши бир йилнинг нари-бериси билан ўлчанади. Бош деворга урилмагунча юрак дарз кетмайди, дегани шу бўлса керак-да.

Аслида ҳаммаси хўжаликка мухбир келган ўша кундан бошланди. Қандай келган бўлса, шундай кетаверади-да, деб бекорга калондимоғлик қилган экан. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай газетада каттагина мақола чоп этилди. Энг даҳшатлиси, бош «қаҳрамон» қилиб айнан Шомурод танланган, хўжаликнинг «ўтириб қолиши»га ҳам, одамлар ўз вақтида иш ҳақи ололмаётганига ҳам, борингки, ҳосилдорликнинг йил сайин пасайиб кетаётганига ҳам бош муҳосиб айбдор қилиб кўрсатилган, мухбири тушмағур қизишиб кетибми ёки тажрибасизлиги сабабиданми омборчининг хатолари учун ҳам муҳосибни дўппослаганди.

Албатта, шамол бўлмаса теракнинг учи қимирламайди. Мухбир ҳам одам, ҳеч нарсани осмондан олиб ёзмайди. Қандайдир «сигнал» тушадики, у йўлга отланади. Ушбу мақола ҳам бир неча «жабрдийда»лар томонидан битилган шикоят хатининг акс-садоси. Ҳар қанча қилмасин, арз-дод тепасида ўз синфдоши Абдуҳакимнинг туришига Шомурод чидолмади. Бир партада ёнма-ён ўтиришарди-я. Хатто бир кун мактабдан қайтаётиб қулупнай ўғирлик учун иккови қулоқ чўзма бўлганларини эслаб, баттар жаҳли чиқди: нима жин урди уни, ҳеч ёмонлик қилмаган эди-ку унга?

Тўғри, мактабни тугатгандан сўнг йўллари айри тушди. Абдуҳаким ҳайдовчиликни танлади, Шомурод институтга ўқишга кирди. Талабалик даврларида ҳам борди-келди қилиб туришди, ҳатто хўжаликда оддий иқтисодчи бўлиб янги иш бошлаган кезлари ҳам муносабатлари дуруст эди. Шомурод бош муҳосибликка тайинлангач, негадир феъли ўзгарди қолди унинг. Энди сиз катта одамсиз, ўйлаб муомала қилмасак бўлмас, каби қочирма гаплар билан четлаб ўтадиган одат чиқарди.

Яхши сўзлади, бир неча бор инсофга чақириб кўрди, фойдаси бўлмади. Фақат ичиб олган пайтларида идорада кўриниш бериб, ўшанда ҳам куракда турмайдиган писандалари билан обрўсизлантиришга ҳаракат қилишларини айтмаса, на кўча-кўйда, на тўй-маъракада Шомуродга рўбарў келмай қўйди. Охири у ҳам қўл силтади, ахир қачонгача ялинади. Нима, ўтказиб қўйган жойи бормиди?

Бир куни тонг саҳарлаб бўладиган «развод»дан эндигина келиб, нонушта қилишга ўтирган эди, эшикдан Абдуҳакимнинг ўртанча ўғли кириб келди. Кутилмаган «меҳмон»ни кўриб, Шомуроднинг кўнгли алланечук бўлиб кетди.

— Нима гап, тинчликми, — сўради у остонадан бери ўтмай ётсираб турган боладан. — Отанг яхши юрибдими?

Бола хиқиллаб йиғлаб юборди.

— Аям олдингизга юбордилар, — деди у кўз ёшларини енгига артар экан, — тездан етиб борар экансиз.

Икки оғайнининг уйлари ораси унчалик узоқ эмас, уч юз метрлар чамаси нарида эди. Шундай бўлсада, Шомурод ховлида турган «Жигули»ни ўт олдирди. Не кўз билан кўрсинки, синиқ эшик деворга омонат суяб қўйилган, ўрнига намат тўсилган эди. Уй бекасининг қистови билан Шомурод ичкарига бош суқди-ю, кўзларига ишонмай туриб қолди. Лой-чангга беланган Абдуҳаким арслоннинг ўлигидек бўлиб пойгакда юз тубан ётарди.

ДЎСТ

Ўртоғининг хотини нималарнидир куйиниб сўзлади. Лекин, тўғриси, Шомурод эшитмади.

— Ҳар куни шу аҳвол, — деган сўзлар қулоғида қолди холос.

Уйга қайтди-да, тунов куни қайниси «қурилиш қиляпсиз», деб ташлаб кетган учта эшикдан бирини қўл аравага ортиб, ўртоғиникига ташлаб келди. Рўзғорга яратарсизлар, деб келинга яна бир мунча пул ҳам берди. Мана бугун қайсидир иғвогарлар кўлтиғига пуркаган сувдан тетик тортиб, босар-тусарини билмай юрибди. Мақола баҳона бир ойки хўжаликда текширув кетяпти. Иш бор жойда, албатта, хато-камчиликлар ҳам бўлади. Лекин кеча раис ўзига яқин олиб елкасига қоқиб қўйганидан унчалик ёмон ишлашмаган кўринади. Муҳими, ҳисоб-китобларда кўпол нуқсонлар топилмабди.

Ёв қочса ботир кўпаяр, деганларича бор экан. Чекка-чеккадан Шомуродни мақола юзасидан раддия талаб қилишга ундовчи хайбаракаллачилар ҳам пайдо бўлиб қолди.

— Борди-ю, бу баҳсда мен ютиб чиқсам, туҳматчиларга жазо белгиланадими? — сўради масала моҳиятининг таг заминигача етиб олишни истаб Шомурод.

— Бўлмасам-чи, — дейишди жавобан маслаҳатгўйлар. — Керак бўлса, етказилган маънавий зарарни суд орқали мўмайгина пул билан ундириб олишинг мумкин...

Шомуродни кўпроқ ўз шаънини поклаб олишга бўлган қизиқиш қўлга қоғоз-қалам олишга ундади. Бор гапни ёзди. Шикоятчиларга баҳо беришни ҳам унутмади. Чиройли конверт топиб, сургичладида, раисдан изн сўраб, вилоят судига йўл солди. У хонага кир, бу хонага бор каби сансалорликлардан хўп чарчарман, деб ўйлаганди. Йўқ, иши пешинга қолмай битиб, тушлик ҳам қилмай ортига қайтди.

Ҳали суд куни тайинланмаган ва у судда ютиб чиқмаган эса-да, шунча вақт елкасидан эзиб турган юк қулаб, енгил тортиб қолгандек ўзи ҳам билмаган ҳолда машина тезлигини оширар, гўё бу юришда ҳеч қачон қишлоғига етолмайдигандек ҳовлиқарди. Ким билади, туман марказига кираверишда йўл ўртасида уймалашиб турган одамларни кўрмаса, шу ҳаёл билан Хиротга ҳам ўтиб кетармиди!

Кўзи таниш-билишларга тушиб, тўхтади. Тўхтади-да, одамлар елкаси оша ярим ёнбошлаганча ётган юк машинасига суяб қўйилган, қўрқиб кетганиданми пешонасидан сизиб тушаётган қонни ҳам пайқамай ўтирган Абдуҳакимни кўрди!

— Ичган экан, рулни бошқаролмай қолибди, — деди кимдир.

— Яхши, фалокат ўзига уриб, олдидан бироита машинами ёки одам чиқиб қолмабди, — дея фикр билдирди бошқаси.

Шомуроднинг кўз ўнги бир қоронғилашди, бир ёришди. Негадир гуноҳи азимга ботган сингари қулоқларигача қизарди. Сўнг, шартта даврани ёриб, ичкарига ўзини урди. Ҳеч нима демай, ярим бехуш Абдуҳакимнинг қўлтиғидан олди. Кимдир иккинчи қўлтиққа кирди.

Оёғи уч жойдан синган экан. Пешонаси ва кўкрак қисми ҳам бироз лат ебди. Шифокорлар уйга рухсат беришмади. Олиб қолишди. Шомурод палатадан чиқар экан, ўнг оёғи караватга осиб қўйилган Абдуҳаким илк бор тилга кирди.

— Шомурод, — деди овози титраб, — раҳмат ҳаммаси учун. Фақат хотинимга ичиб шу ҳолга тушганимни айтма.

Ўртоғига қараб Шомуроднинг кўнгли бирдан товланиб кетди.

— Мен тезда Гулчеҳрани олиб келаман, — деб кўчага отилди.

Тўғри суд идорасига борди. Лекин иш вақти тугаганини айтиб, қоровул ичкари қўймади.

— Эртага келинг, — деди у, сўнг Шомуроддаги сабрсизликни ўзича йўйиб қўшиб қўйди. — Агар ёниб кетадиган иш бўлмаса, улгурасиз.

Шомурод индамай зинадан тушди-да, машинасини ўт олдирди. У ҳозир ичига сиғмас, худди болалиги қайтиб келгандек ўзида йўқ ҳурсанд эди.

Зайниддин РИХСИЕВ.

ШИДДАТКОР ПАРАГВАЙ

Бразилияни ёлғизлатиб қўймади

2002 FIFA WORLD CUP KOREA JAPAN

Биз аввалги шарҳларимиздан бирида Европа ва Жанубий Американинг мутлоқ ҳукмронлигига чек қўйилганлиги, хусусан Африка қитъасида футбол шиддат билан ривожланиб бораётганлиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдирган эдик. Қарангки, бунинг исботи бўлиб барчани ҳайратга солган ҳолда бирин-сирин футбол гигантлари, кимсан Франция ва Аргентина каби юлдуз жамоалар муддатидан илгари жаҳон чемпионатини тарк этишди.

Билмадик, бундан буён қизғин паллага кирадиган баҳслар Зидан, Бартес, Анри, Трезеге ёхуд Айяла, Лопес, Батистута, Ортега сингари «чарм тўп» усталарисиз қандай кечаркин? Боз устига ушбу сатрлар қоғозга туширилаётган бир паллада ҳали «С» гуруҳидаги учрашувлар ниҳоясига етмаган, Мексика термаси итальянларни мағлуб этган, Хорватия жамоаси эса зафар қучган ёхуд эквадорликлар йирик ҳисобда мувафақият қозонган тақдирда яна бир чемпион команда чемпионат билан хайрлашиш эҳтимоли бор эди. Шундай бўлса XVII жаҳон чемпионати Англия, Бразилия ва Германияни истисно қилганда нисбатан ўртамиёна жамоаларнинг биринчилик учун курашига айланиб қолиши ҳеч гап эмас эди.

Тан олишимиз керак, ҳеч бир чемпионат бу галгидек кутилмаган шов-шувли натижаларга бой бўлмаганди. Амалдаги чемпионнинг биринчи босқичдаёқ муваффақиятсизликка учраб, уйга қайтиши, ҳаммасидан ҳам уч учрашувда рақиблар дарвозасини бирор марта забт эта олмаслиги, бу тарихда қоладиган воқеалар сирасидандир. Яна икки жамоа — Саудия Арабистони ва Польша шу ҳолни бошдан кечирдилар. Икки тур натижасига кўра ўз дарвозасидан олти тўп ўтказиб юборган, аммо ўзи бундай бахтга мушарраф бўлмаган Хитой термаси Туркия жамоасига қарши майдонга тушиб ҳам буни уддалай олмади.

Энди муқаддимамизда эътиборингизни қаратган фикримизни якунлаб қўйсак. Гарчанд Испания термаси ЖАР билан учрашувга аввалга матчларда майдонда кўринмаган футболчиларни жалб қилган ҳолда баҳсга киришган бўлса-да, ЖАР ўз мақсадига эришолмади. Лекин бу ҳали парагвайликларнинг омади чопди дегани эмас эди. Боз устига биринчи бўлимни 0:1 ҳисобида бой берган, яна денг қўполлиги учун бир ўйинчи кам қолган жанубий америкаликлар шу куни чинакамига матонат кўрсатишди. Бош мураббий Чезаре Мальдини футболчиларни ниҳоятда билиб алмаштиргани қўл келди. Саъй-ҳаракатлар самарасиз кетмади. Дарвозабон Хосе Луис Чилаверт иштирок этган ҳужумлар эса (!) ўйинга яна ҳам кўрк берди. Охир оқибат парагвайликлар ўз ниятларига эришдилар. Бразилияни ёлғизлатиб қўймадилар. Энди улар нимчорак финалда немисларга қарши майдонга тушадилар.

Ишқибоз ён дафтарига

«F» гуруҳи:
Швеция - Аргентина - 1:1
Нигерия - Англия - 0:0

«B» гуруҳи:
ЖАР - Испания - 2:3
Славения - Парагвай - 1:3

«C» гуруҳи:
Коста-Рика - Бразилия - 2:5
Туркия - Хитой - 3:0

«G» гуруҳи:
Мексика - Италия - 1:1
Эквадор - Хорватия - 1:0

Ким нечанчи ўринда?

		«F» ГУРУҲИ				
Швеция	**3**	**1**	**2**	**0**	**4-3**	**5**
Англия	**3**	**1**	**2**	**0**	**2-1**	**5**
Аргентина	3	1	1	1	2-2	4
Нигерия	3	0	1	2	1-3	1
		«B» ГУРУҲИ				
Испания	**3**	**3**	**0**	**0**	**9-4**	**9**
Парагвай	**3**	**1**	**1**	**1**	**6-6**	**4**
ЖАР	3	1	1	1	5-5	4
Словения	3	0	0	3	2-7	0
		«C» ГУРУҲИ				
Бразилия	**3**	**3**	**0**	**0**	**11-3**	**9**
Туркия	**3**	**1**	**1**	**1**	**5-3**	**4**
Коста-Рика	3	1	1	1	5-6	4
Хитой	3	0	0	3	0-9	0
		«G» ГУРУҲИ				
Мексика	**3**	**2**	**1**	**0**	**4-2**	**7**
Италия	**3**	**1**	**1**	**1**	**4-3**	**4**
Хорватия	3	1	0	2	2-3	3
Эквадор	3	1	0	2	2-4	3

Улар нимчоракда учрашадилар

15 июн	11:30	Германия-Парагвай	__:__ Согвипо
15 июн	16:30	Дания-Англия	__:__ Ниигата
16 июн	11:30	Швеция-Сенегал	__:__ Сувон
16 июн	16:30	Испания-Ирландия	__:__ Оита

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21:00 Топширилди: 21:40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г— 519. 1 2 3 4 5 6